

НЕЪМАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Хаёт инсонни кўплаб эзгу амаллар ва хайрли ишларга ўргатади. Фақатгина ундан тўғри хулоса чиқариб, бошқаларга ҳам ўрнак бўлиш ўзимизга боғлиқ. Кунни кеча эрталаб ишга келаётган пайтимда бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим...

Мендан 15–20 метрлар олдинда ёши улуг онахон кетаётган эди. У кўп қаватли уйлардан бирининг йўлаги томон бурилиб кетди. Кампининг бу ҳаракатини кўриб, беихтиёр, шу жойда турса керак, деб ўйладим. Зич қилиб экилган дов-дарахтлар орасидан йўлакнинг ички томони кўринмас эди. Аммо ушбу йўлакнинг қаршисига келганимда умуман бошқа манзарага кўзим тушди. Онахон йўлакнинг эшиги тепасидаги ҳалигача ёниб турган чироқни ўчириб, яна йўлида давом этди. Ваҳоланки, ушбу йўлақдан тонг ёришгандан бери неча киши ўтиб-қайтган бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси ҳам чироқни ўчиришни ўзига эп кўрмаган.

Шундан сўнг дарҳол онахонга салом бериб, унга ташаккур билдирдим. Менинг бу воқеага гувоҳ бўлганимни сезган онахон чуқур нафас олди-да, баъзи бир одамларнинг давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятларга эътиборсизлигидан ранжиди. Бир пайтлар онасининг айтганларини ёдга олиб:

– Илгарилари мойчироқдан фойдаланишган экан. Уни ҳам туннинг маълум қисмида ёқиб, қолган пайтларда ўчириб қўйишган. Кези келганда ойнинг нурида кашта тўқиб, тикиш-бичиш қилишган. Шунинг учун ҳам ўша пайтдаги одамлар 90 ёшидаям ипни нинанинг тешигидан бир уринишда бехато ўтказишган. Ҳозирги ёшлар эса сал нарсага кўзим оғрияпти, хиралашяпти, дегани кишини таажжубга солади, – деди куюнчаклик билан. – Ахир, ҳеч ким уларни кечаю кундуз телефондан кўзингни узмасдан қараб ўтиргин деб, мажбурлаб қўйгани йўқ-ку, ундан кўра одамлар учун бирор-бир фойдали иш билан шуғуллансин. Атрофга эътиборли бўлиб, ҳаёт неъматларини авайлаб-асрасин. Шундагина ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қадрига етади. Чунки «Инсон ниманики хор қилса, бир кун келиб унга зор бўлади» деган нақл бежиз айтилмаган.

Онахоннинг бу каби ҳаётий ҳикматларини эшитиб, раҳматли бувим билан бўлган бир воқеа кўз олдимда гавдаланди. Ўша пайтларда

5–6 ёшлардаги бола эдим. Нимадир юмуш билан кўчага чиққандик. Шу пайт 3–4 та болакай қўлидаги челақни сувга тўлдириш учун артезиан қудуқ олдида навбатда туришарди. Нарироқда чорва моллари ҳайдаб келаётган чамаси улардан 4–5 ёшлар каттароқ ўспирин уларга қараб: «Тезда ҳамманг челагингни олиб тур, биринчи менинг молларим сув ичсин, кейин сенлар оласан», деб бақирди. Шунда бувим секингина уни ёнига чақириб олди-да, хушмуомалалик билан: «Болам, бу қудуқни одамлар тоза сув ичсин деб қанча машаққатлар эвазига қазिशган. Сен молларингни анави анҳорда суғориб келсанг, яхши иш бўларди», дея ётиғи билан тушунтирди. Шундан сўнг у молларини ҳайдаганча, анҳор томонга кетди. Уйига сув олиш учун келган бояги болакайлар эса бувимга раҳмат айтиб, челақларини сувга тўлдирганча хурсанд бўлиб кетишди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиздаги барча инсонлар ҳаётимиздаги неъматларни қадрлашса, турмушимиз янада фаровон бўлади.

**Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.**

Donolar
bisotidan

**Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш
ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ.**